Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 17-iyul • Payshanba • 85 (27.890) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Деҳқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнглини мамнуният ва қувонч билан тўлдириши табиий, албатта.

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бугунги меҳнат ғалабангиз — 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Меҳнаткаш ва омилкор деҳқонларимизнинг ўз пешона тери билан қўлга киритган, барчани ҳайратда қолдирадиган бундай ютуқ ва марралар, уларнинг авваламбор юқори ҳосилдорликка, яъни ўртача 48 центнердан ғалла олишга эришганлари ҳақиқатан ҳам ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга арзийди. Айниқса, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳосилдорлик даражаси 50-60 центнерни ташкил этгани, Оқдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан ва Сариосиё туманларида эса бу кўрсаткич 58-65 центнердан юқори бўлгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Деҳқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнглини мамнуният ва қувонч билан тўлдириши табиий, албатта.

Шулар қаторида мамлакатимизда етиштирилган мўл ҳосил натижасида 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ ғалла деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолгани қишлоқ аҳлининг рўзғорига қут-барака бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳеч кимга сир эмас, дон, буғдой эл-юртимизни боқадиган, кўнглимизни тўқ, дастурхонимизни тўкин қиладиган азиз ва муқаддас неъмат сифатида ҳаётимизда ҳамиша беқиёс ўрин тутиб келади.

Айниқса, бугунги кунда дунё миқёсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз бераётгани, буғдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат деҳқонларимиз бунёд этган бу ғалла хирмонининг аҳамияти ва моҳиятини яна бир бор ҳар томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк меҳнатига тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кўзига тўтиё қилиб яшайди. Нонни мўътабар деб қадрлаш, унинг ушоғини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган, тарихий хотирамиздан чуқур жой олган, десак, асло муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Асрлар давомида шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншоолло.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатни униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдириш, фарзандларимизни ҳам нонга, деҳқоннинг оғир ва шарафли меҳнатига ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бу йилги ғалла мавсумини якунлар эканмиз, мана шундай юксак марра ва беқиёс бойлик ниманинг ҳисобидан, қандай машаққатли ва масъулиятли меҳнат туфайли қўлга киритилганини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, эришилган ютуқнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам, бу йил бошимиздан кечирган қийинчиликлар — қишнинг ниҳоятда совуқ келгани, қаттиқ қурғоқчилик, дўл ва сел каби офатлар, турли ҳашарот ва зараркунандаларга қарши кураш — буларнинг барчаси мард ва азму шижоатли деҳқонларимизнинг иродасини яна бир марта синовдан ўтказди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бугун мамлакатимизнинг бепоён далаларида меҳнат қилаётган, ишнинг негизини биладиган қайси мутахассис, фермер ва миришкор деҳқон билан суҳбатда бўлманг, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида эришилган марра ва натижаларнинг замирида аввало соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни изчил жорий этганимиз мужассам эканини бир овоздан эътироф этади.

Энг асосийси, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ҳисси далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг онгу шуурига чуқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгариб, келажакка ишонч туйғуси кучайиб бораётгани бундай ютуқларга эришишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг қишлоқ хўжалигида тўлиқ фермерлик ҳаракатига ўтганимиз нақадар тўғри бўлганини ҳозирги кунда ҳаётнинг ўзи амалда тасдиқлаб бермоқда. Бутун мамлакатимизни қамраб олган бу ҳаракат ташкилий ва иқтисодий нуқтаи назардан шаклланиш босқичидан ўтиб, эндиликда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намоён қилиши долзарб вазифага айланмоқда.

Бугун қишлоқ хўжалиги тараққиётини мана шундай юксак поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутадиган яна бир масала эътиборимизда бўлиши лозим. Яъни, соҳада шартнома муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларига қатъий риоя қилиб, шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — бу нафақат давлат ва давлат идораларининг вазифаси, балки биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг ҳар қайси аъзосининг бурчига айланишини, қонун нормаларига ҳурмат билан қараш қундалик ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолишини истардим.

Айнан мана шундай муносабатни ҳар томонлама қарор топтириш биз келажакда эришадиган ютуқларнинг гарови ва кафолати бўлиши даркор.

Шу билан бирга, ғалла етиштириш маданиятини янада ошириш, деҳқон-фермерларни зарур моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, юртимизнинг барча минтақа ва ҳудудларига мос бўлган янги, серҳосил буғдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш, бу борада илм-фан ютуқлари билан омилкор деҳқонларимизнинг бой тажрибасини уйғунлаштириш каби доимо эътиборимиз марказида бўлиб келаётган ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу хурсандчилик кунда ғаллакорларимизга, илғор механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бу улкан ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

КЎПРИК ҚУР — КЎП ЎТАДИ

Пойтахтимиздаги Ҳамид Мирсолиҳов кўчасида янгидан қурилган темир йўл кўприги устидан поездлар техник ҳаракати кеча синаб кўрилди.

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳри ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шу муносабат билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Кейинги йилларда пойтахтимиз таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетди. Кўплаб маъмурий бинолар, уйжойлар қад кўтарди, ажойиб хиёбонлар вужудга келди, йўллар равонлашди.

Кеча пойтахтимиз дарвозаси бўлмиш Тошкент вокзали яқинидаги Ҳамид Мирсолиҳов (собиқ Сарикўл) кўчасидан ўтган темир йўл кўприги қайта бунёд этиб бўлинди. Кўприк устидан поездларнинг дастлабки техник ҳаракати бошланди. Аслида эски кўприк ўтган асрнинг дастлабки йилларида барпо этилган эди. Юз йилдан зиёд хизмат қилган темир йўл кўприги ҳар жиҳатдан эскириб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган эди.

Шу боис, қисқа муддатда янги лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, махсус комиссия томонидан тасдиқланди. Шу йилнинг 1 июнидан қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш ишларини «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли «Кўприккурилиш» трести ва унинг бўлинмалари амалга оширди. Икки юз нафардан ортиқ тажрибали темир йўл бунёдкорлари фидокорона меҳнат қилишди. Улар ишни икки сменада ташкил этиб, тезкор суръатларда асосий қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Натижада узунлиги 25 метр, эни эса 12 метр бўлган темир йўл кўприги қуриб битказилди. Бунёдкорлик ишларида йўл устаси Раҳмонберди Ҳайдаров, йўл монтёрлари Мавлонберди Ҳайдаров, Ҳусан Икромов, суньий иншоотлар ишчиси Олим Алиев, кўприк усталари Эгамназар Холбоев, Абдусамат Узоқов ва бошқалар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишди.

Дарвоқе, ҳали қурилиш ишлари давом этаяпти. Кўприк остидан ўтадиган автомобиль ва трамвай йўллари янгидан таъмирланаяпти. Бундан ташқари, йўлнинг икки четида пиёдалар учун ҳар бири олти метрли иккита йўлакча қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
« Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

✧✧✧

Темир йўл кўприги қурилишидан ушбу лавҳаларни фотомухбиримиз Абдивоси ҲАЙДАРОВ айнан кеча суратга олиб келди.

Мустақиллик менинг тақдиримда

ҲАР БИР ЮТУҒИМИЗ ВА ҒАЛАБАМИЗ

Истиқлолимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди Мустақиллик тенгдоши, қизлар ўртасида шахмат бўйича кўпкарра мамлакат чемпиони, жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори, Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ) устаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА.

Жиззах шаҳрида, оддий ўзбек хонадонида ўсиб-улғайдим. Отам ўқитувчи, онам уй бекаси. Ҳали мактабга бормасимданоқ шахмат ўйнашни билардим. Етти-саккиз ёшларимданоқ шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларнинг иштирокчисига айландим. Ўн ёшимда «Йилнинг энг истеъдодли спортчиси» номинациясида ғолиб деб топилганимни ҳаяжон билан эслайман. Ҳиндистонда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё биринчилигидан бронза медали билан қайтганимда ўн икки ёшда эдим. Ўн тўрт ёшимда Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ) устаси талабларини бажардим.

Тинчлик ва дўстлик элчиси — спорт туфайли дунёнинг кўпгина давлатларида бўлдим. Кўплаб дўстлар, устозлар, биродарлар орттирдим. Бугун шахсий альбомимдаги кўпдан-кўп суратларга қараганимда беихтиёр ер юзининг турли минтақаларида гувоҳи бўлганим бири-биридан қизиқарли воқеалар, учрашувлар ёдимга тушаверади.

Айни пайтда Жиззах политехника институтида таҳсил олаяпман. Мамлакат терма жамоасининг аъзоси сифатида маҳоратимни оширишни давом эттираяпман. Кўпинча тенгдошларим ҳаётимдаги энг қувончли, эсда қоладиган воқеалар ҳақида сўзлаб беришимни сўрашади. Шунда пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида Юртбошимизнинг совғаларини қабул қилиб олганим, Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг машъаласини ёққаним, «Шуҳрат» медали билан мукофотланганим, жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланганим ва ниҳоят, шу йилнинг баҳорида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлганим тўғрисида ҳаяжон, фахр-ифтихор билан сўзлайман. Ва албатта, буларнинг ҳаммаси Мустақиллик туфайли эканлигини қайта-қайта эътироф этаман.

Устозларим ўз ёшлик йилларини армон билан эслашади. У пайтларда ҳозиргидек шароит ва имкониятлар бўлмаганини кўп гапиришади. Истиқлол бўлмаганида бугунги авлод ҳам жаҳонга чиқолмасди. Шу юртда туғилганимдан, мустақиллик фарзанди эканлигимдан қувонаман, ғурурланаман. Шундай экан, биз — ёшлар шон-шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови бўлган Мустақиллигимизнинг қадрига етиб яшамоғимиз, уни асраб-авайламоғимиз зарур. Илм-фанда, санъат ва спортда эришаётган ҳар бир ютуғимиз, ғалабамиз энг улуғ, энг азиз бойлигимиз бўлган истиқлолимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб биламан.

Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА,
Жиззах политехника институти талабаси.

Суратда: Юлдуз Ҳамроқулова.
Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Ҳарбийлик — шарафли касб

«МЕН ЭНДИ ТАЛАБАМАН!»

Ўтган ҳафтада мамлакатимиздаги ҳарбий олий ўқув юртларида давлат тест синовлари бўлиб ўтди. Куни кеча эса унинг натижалари эълон қилинди. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида бўлиб, талабаликка қабул қилинган ёшлар ва уларнинг ота-оналари қувончи гувоҳи бўлди.

Институт ҳовлисида ҳар хил кайфиятдаги ёшларга кўзингиз тушади. Кимдир ўзида йўқ ҳурсанд, кимдир маъюс...

Ўғлини фахр ва ифтихор билан бағрига босиб табриклаётган самарқандлик Бурҳонали Арабовни суҳбатга тортдик.

— Ўғлим ёшлигидан божхоначилик касбига қизиқарди. Имтиҳонга қаттиқ тайёргарлик кўрди. Биласизми, тонг отишига бир ёки икки соат қолганда оталик меҳри устун келибми, қўярда-қўймай дам олишга ундардим. Мана, уйқусиз тунлар самарасини кўриб турибман.

— Мени олий ўқув юртига 208,8 балл билан киришимда Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сонли компьютер технологиялари академик лицейида таълим олганлигим катта ёрдам берди, — дейди Йигитали Арабов.

— Ҳозиргина уйдагиларимга тестдан ўтганимни телефон орқали айтдим, ота-онам роса қувонишди — дейди Алижон ЯКУБОВ. — Одам астойдил ҳаракат қилса, мақсадига албатта эришар экан. Ўқишга 226,3 балл билан кирдим. Бундай юқори балл олишимда ҳарбий хизматни ўтаганим катта ёрдам берди. Чунки ҳарбий хизматдан тавсиянома олгандим-да.

Аброр АМИНОВ, Олий ҳарбий божхона институтининг қабул комиссияси масъул котиби:

— Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2003 йилнинг 22 майида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилган эди.

Олий ўқув юртимизга икки йўналишда: божхона иши ва ҳуқуқшунослик факультетларига давлат тест синовидан ўтган талабаларни ўқишга қабул қилдик. Шуни алоҳида айтиш лозимки, институтимизга фақат вилоятлар ва Тошкент шаҳри божхона бошқармалари йўлланмаси орқали келган абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилдик. Бундан ташқари, ҳарбий хизматни ўтаб тавсиянома эга бўлган ҳар бир абитуриент тўплаган балига энг юқори баллнинг 25 фоизи, яъни 56,7 балл қўшиб ҳисобланди. Бир сўз билан айтганда, энг иқтидорли, билимли ва зукко йигит-қизларни талабаликка қабул қилдик.

Тест синовларидан ўтиб, талаба бўлиш мустақил ҳаёт йўлидаги дастлабки довон, албатта. Бу ёшларни олдинда ўқиш, ўрганиш, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишдек масъулиятли давр кутмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

Маънавий юксалиш йўлида

ХАЛОСКОР КУЧ

ёхуд маънавий оламни асраш қайғуси

Бугун биз ғоят чигал ва зиддиятли дунёда яшаяпмиз. Бугунги даврда ҳақиқатни яшириш, уни турли ғаразли манфаатлар йўлида сохталаштиришга ишқибозлар кўпайиб бормоқда. Натижада асл мақсадлар ниқобланиб, азалий тушунчаларнинг маънолари чигаллаштирилмоқда. Баъзан ҳаётда гуноҳни савоб деб, асоратни эркинлик деб, ёлғонни рост деб уқтирадиганларнинг домига тушиб, ялтироқ нарсани олтин ўрнида қабул қилаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асари китобхонларни аввало ана шундай хатарлардан огоҳ этадиган, бугунги ҳаётда нима яхшию нима ёмон экани ҳақида бош қотиришга ундайдиган, тафаккуримизни қувватлантирадиган, ҳаёт илмига чанқоғимизни босадиган, ён-атрофимизда кечаётган, чувалган воқеалар моҳиятини англашга имкон берадиган манба бўлиб хизмат қилиши билан ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф ҳозирги вақтда дунёда кечаётган ғоявий курашлар ҳақида бундай деб ёзади: «**Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз**» (*112-бет*).

Маълумки, дунё икки қутбга бўлинган замонларда эзгулик ва ёвузликни ажратиб турадиган чизиқ давлатларнинг чегаралари устидан ўтади, деган қандайдир оддий тасаввурлар бор эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, бир қутбни бошқарган мамлакатга «Ёвузлик салтанати» деган тамға босилган бўлса, бошқа қутб етакчиси «Эзгулик диёри» дея олқишланар эди. Бироқ ҳозирги кунда жаҳоннинг геосиёсий манзараси шу қадар тез ўзгармоқдаки, охироқибатда нафақат бир мамлакатда яшайдиган инсонлар, баъзан ҳатто бир оила аъзолари ҳам сарҳадларнинг турли тарафларида қолиб кетмоқда. Энг ёмони, инсоннинг онгу шуурида ҳам бўлиниш ва чегаралар пайдо бўлмоқда. Бошқача айтганда, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда ҳам кечмоқда.

Муаллиф маънавиятга қарши қаратилган хатарлар ҳақида фикр юритиб, уларни қуйидагича таърифлайди: «**Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман**» (*13–14-бетлар*).

Муаллиф талқинига кўра, маънавий таҳдид:

аввало, инсоннинг эркинлигига дахл қилади, уни фикрий қарам қилишни кўзлайди;

иккинчидан, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга йўналтирилган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар шаклида амалга оширилади;

учинчидан, турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остига яширилади;

тўртинчидан, катта маънавий йўқотишларга олиб келади, халқларнинг миллий ва диний томирларига болта уради;

бешинчидан, бегона ғоя ва зарарли дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилади;

олтинчидан, мамлакат хавфсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид солади, жамиятни инқирозга олиб келади;

ва ниҳоят, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала саналади.

Демак, маънавий таҳдид қайси давлат ёки халққа қарши қаратилишидан қатъи назар, бутун инсониятда бирдек ташвиш ва хавотир уйғотмоғи лозим.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий таҳдидлар глобаллашув жараёнлари билан бир бутун ҳолда таҳлил этилади. Муаллиф масалага холисона ёндашиш принципига содиқ қолиб, аввало бу ҳодисанинг ижобий жиҳатларига тўхталади. Муаллифнинг фикрича, глобаллашув жараёнининг ижобий хусусиятлари:

биринчидан, мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ифода этади;

иккинчидан, миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришида намоён бўлади;

учинчидан, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига олиб келади;

тўртинчидан, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар яратади, кўплаб янги иш ўринларининг очилишига туртки беради;

бешинчидан, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши учун замин яратади;

олтинчидан, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларарo мулоқотнинг янгича сифат касб этишида кўринади (*111–112-бетлар*).

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёни янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, барча фаолият соҳаларини ўз домига тортиб бормоқда. Шундай бир вазиятда бу ҳодисани кўпроқ иқтисодий жараён сифатида талқин қилиб, унинг сиёсий жиҳатлари ҳақида сукут сақлашни афзал кўраётганларга жавобан муаллиф бундай деб ёзади: «**Глобаллашув жараёнининг... ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам албатта кузатиши муқаррар**» (*113-бет*).

Биргина ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнини оладиган бўлсак, унинг таъсири жаҳонда етакчилик қилиш учун кечаётган шиддатли курашда намоён бўлмоқда. Чунки ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланмоқда. Шунинг учун ахборот технологиялари юксалган давлатларда бу соҳадаги устунликдан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий тажовузларни амалга ошириш йўлида фойдаланиб қолиш васвасаси йўқ, деб айтолмаймиз.

Ачинарлиси шундаки, глобаллашув жараёнини шарҳлаш ва тушунтиришда бирёқламаликка йўл қўйилмоқда. Буни аввало жаҳон миқёсидаги интеграциялашувнинг аҳамияти бўрттирилиб, ҳар қайси халқнинг миллий ўзига хослиги, кўп қутбли дунёнинг ранг-баранглигини асраш, қашшоқ мамлакатларга ёрдам бериш каби ўткир муаммолар кўпинча эътибордан четда қолаётганида кўриш мумкин. Натижада глобаллашув жараёнларини дунё миқёсидаги ягона йирик давлатни қарор топтириш, ягона жаҳон маданияти(!)ни шакллантиришдек фақат айрим мафкура марказларининг манфаатларига жавоб берадиган мақсадларга хизмат қилдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кучаймоқда.

Кўриниб турибдики, глобаллашув дунёни бирлаштириш баробарида айни пайтда уни емиряпти, деган хавотирлар жиддий асосга эга. Бинобарин, бугун инсоният ҳал қилувчи танлов олдида турибди. Агар у ўз вақтида бу жараённинг жиловини тортмаса, глобаллашувни маданияттлараро мулоқот воситасига, миллий ўзига хосликни бойитувчи омилга, дунёдаги ранг-барангликнинг муҳим манбаига айлантирмаса, кишилик жамияти глобал тақдирнинг ожиз ўйинчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу борада айниқса турли халқ ва миллатлар маданиятини ич-ичидан емираётган, бу жараёнларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қиладиган вайронкор ғояларнинг ёвуз моҳиятини очиб бериш долзарб вазифага айланади.

Асарда «**Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир**» (*111-бет*) деган фикр асосида глобаллашув жараёнларининг яна бир муҳим жиҳати очиб берилган. Яъни, муаллиф ҳозирги кунда ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг нафақат сифати, характери, балки суръатлари ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда тараққиёт суръатлари беқиёс равишда жадаллашди. Айрим олимлар бундай шиддатни босма дастгоҳнинг кашф этилиши билан изоҳлайди. Чунки бу кашфиёт зарур билимларни эгаллаш йўлида катта сакраш бўлган эди. Тан олиш керак, китоб чоп этишнинг миқёси ва кўлами инсоннинг янги билимларни эгаллаш суръатларига мос тушади. Шундай экан, агар дастгоҳ кашф этилган дастлабки пайтларда Европада йилига тахминан 1000 номдаги китоб чоп этилган бўлса, ҳозирда кунига 1000 номдаги китоб чоп этилмоқда. 1950 йилда кашф этилган компьютер эса билимларни эгаллаш жараёнини янада жадаллаштириб юборди. Умуман, янги технологияларнинг ҳаётга жорий этилиши оқибатида охирги 100 йил мобайнида силжиш тезлиги 102 марта, мулоқот тезлиги 107 марта, ахборотни қайта ишлаш тезлиги 106 марта ўсди.

Аслида, бундай ўзгаришлар илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратади. Айни пайтда бундай шиддатнинг хавфли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бу ҳол ахборотдан ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилар онгини бошқариш мақсадида фойдаланувчилар учун кенг йўл очиб бермоқда. Бу кучлар ҳақиқатга эгалик қилиш даъвоси билан чиқиб, нима яхшию нима ёмон эканини, қайси ҳодисани қандай баҳолаш лозимлигини белгилаб беришга уринмоқда. Эътироф этиш керак, бугунги тезкор ҳаётда катта ҳажмдаги узлуксиз ахборот оқимида кўпчилик вақт танқислиги туфайли унинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритиш, уни обдан «ҳазм қилиш»га улгура олмаслиги мумкин. Шу маънода, медиамарказлар инсонни танлов имкониятидан маҳрум қилиб, унга тайёр хулосалар, ечим ва баҳоларни сурбетларча тиқиштиришга ҳаракат қилади. Чунки бундай ёндашув инсон хатти-ҳаракатини осонгина «программалаштириш» имконини беради, уни тегишли йўриқ бўйича юргизиш учун шароит яратади.

Айниқса, демократия шароитида фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши бу кучлар учун қўл келади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: «**Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз**» (*114-бет*).

Демак, инсоннинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Муҳими, одамларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Бунда ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиб оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз фаолияти ва ҳаёти учун қадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган «фильтр»ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи асосий омил саналади.

Китобдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, муаллиф асарнинг ўзагини мувозанат ғояси асосига қуради. У барча нарсада – бу маънавий ва моддий ҳаёт ёки таълим ва тарбия бўладими, умуминсоний ва миллий қадриятлар, замонавийлик ва анъанавийлик ёки диний ва дунёвий қадриятлар бўладими – уларнинг барчасида уйғунлик ва мутаносибликни сақлаш зарурлиги, бу эса юксалиш, тараққиётнинг муҳим шарти эканини асослаб беради.

Асар китобхонни яна бир жиддий таҳдиддан огоҳлантиради: «**Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади**» (*116-бет*).

Биламизки, жаҳонда демократиянинг ёйилиши мураккаб ва зиддиятли жараён сифатида кечган. Чунки ҳар ким демократиядан ўзи истаган нарсани топишга интилади. Аслида, чинакам демократия ақл-идрок учун жиддий синов, бой маънавиятнинг ўзига хос намойишидир. Демократия ўз ҳаётини ўз ақл-идрокига таяниб, ўз хоҳиш-истагига монанд қуриш имконини бериши билан ҳам жозибали. Демократия шахсга кенг эркинлик беради, бироқ шунга яраша катта масъулият ҳам юклайди. Демократия халқ иродасини ифода этади ва шахс салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай замин бўлиб хизмат қилади. Халқнинг онглилиги, ўзини ўзи англаши эса демократияни қувватлантиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бугунги кунда демократияни умуминсоний қадриятдан универсал қадриятга айлантиришга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар демократияни барча муаммоларнинг давоси сифатида тақдим этиш, турли мамлакатлардаги демократик жараёнларни бир андозага солишга уринмоқда. Ваҳоланки, демократия бошқа давлатлардан шунчаки ўзлаштириш ёки нусха кўчириш ёхуд тақлид қилиш орқали ўрнатилмайди. Китобда таъкидланганидек, демократия халқнинг юз йиллар давомида шаклланган турмуш маданияти, тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда жорий этилади. Шунинг учун жаҳондаги ҳар қайси мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Демократиянинг яшовчанлиги ҳам унинг мавжуд миллий, диний, маданий хусусиятларни инкор қилмаслигида, миллий ўзига хосликка зарар етказмаган ҳолда ривожланишида намоён бўлади. Бу жиҳатдан қараганда, барча халқларнинг интилишларига тўла жавоб берадиган ҳаммабоп демократия моделининг мавжудлиги ҳақидаги фикр аслида демократия ғоясини обрўсизлантираётган пуч даъводан бошқа нарса эмас.

Муаллиф демократлаштириш жараёнларида «устозлик» қилиш даъвоси билан чиқаётган кучларга нисбатан ҳамиша ҳушёр туришга чақиради. Аслида, демократия бошқа мамлакат ҳудудига унинг миллий манфаат ва хусусиятларини инобатга олмасдан туриб экспорт қилиниши мумкин бўлган товар эмас. Агар демократияга экспорт предмети сифатида ёндашилса, у бир тарафнинг бошқа тараф устидан устунликка эришиш воситасига айланади. Ҳолбуки, ҳеч бир халқаро ташкилот ёки давлатга ўзга мамлакатда зўравонлик билан демократия ўрнатиш ваколати берилган эмас, берилмайди ҳам.

Кейинги йилларда ўзга мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида аюҳаннос солаётган кучлар демократия «улашиш» баҳонасида дунёга гегемонлик қилишга интилаётгани сир эмас. Бундай курашда сиёсий мақсадлардан кўра иқтисодий сабаблар кўпроқ тош босади. Гегемониянинг ана шундай пинҳона мақсадлари ҳақида огоҳлантириб, муаллиф бундай деб ёзади: «**Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас**» (*116-бет*).

Бу фикрларнинг исботи учун аниқ рақамларга мурожаат қилайлик. Маълумки, ер қаърида табиий бойликлар, минерал ресурслар нотекис жойлашган ва бу омил давлатларнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги инсон ресурслари, табиий захиралар ҳажми ва минерал хомашёни истеъмол қилиш кўлами ўртасида номутаносиблик мавжуд. Минерал ресурсларнинг асосий қисми саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол қилинмоқда. Бу давлатларнинг жаҳондаги табиий ресурслар назоратини кенгайтиришдан манфаатдор экани шубҳасиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳондаги аҳолининг 14 фоизи истиқомат қиладиган ривожланган мамлакатлар жаҳон табиий ресурсларининг 70 фоизини истеъмол қилар экан. Бунинг акси ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларда дунё аҳолисининг 60 фоизи истиқомат қилса-да, бу мамлакатлар ҳиссасига заминимиздаги табиий ресурсларнинг бор-йўғи 16 фоизи тўғри келади.

Демак, ривожланган мамлакатлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун қўшимча ресурслар излайди ва бундай захираларга бой бўлган ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга интилади. Юқорида келтирилган рақамлар айнан ана шундай минтақаларда «универсал демократия» ва «универсал маданият» моделларини ўрнатиш учун олиб борилаётган хатти-ҳаракатларнинг асл сабабларини, озгина бўлса-да, ойдинлаштиради.

Муаллиф «маънавият – қудратли қурол» деган ғояни китобнинг ўзак ғояси сифатида илгари суради. Бир қарашда, «маънавият» ва «қурол» тушунчалари ўртасида умумийлик йўқдек туюлади, ҳатто улар бир-бирини инкор қиладигандек кўринади.

Бироқ муаллиф бирор ҳудудни эмас, тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этишда маънавият қудратли қурол бўлиб хизмат қилиши лозимлигини, бирор кучга қарши курашда эмас, бизга хавф солаётган таҳдидлардан ҳимояланишда маънавият қудратли қурол бўлиши зарурлигини исботлаб беради. Бир сўз билан айтганда, хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашда маънавиятимиз биз учун нажоткор ва халоскор куч вазифасини бажаради.

«**Маънавият бобида бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга**» (*11-бет*) уринишларга жавобан муаллиф маънавиятни бебаҳо бойлик сифатида асрашга чақиради.

Айни пайтда китобда жамоавийлик, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, ҳаёт қоидасига айланиб кетгани таъкидлангани ҳолда, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби ахлоқий тушунчалар шарқона ахлоқ кодекси сифатида таърифланади. Ўзаро муносабатларнинг устуворлиги, бировнинг кўнглини оғритмаслик, ён-атрофдаги кишиларнинг оғирини енгил қилиш, ёрдамга муҳтожларга беғараз кўмак бериш негизига қурилган меҳр-оқибат халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетгани ифтихор билан қайд этилади.

Маънавиятимизни бугунги таҳдидлардан безавол сақлаш истаги билан яратилган бу китобни муаллифнинг биз учун, миллатимиз учун аталган бебаҳо тортиғи дейиш мумкин. Чунки яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги асосий кураш салтанатлар, миллатлар, шахслар ўртасида эмас, ҳар биримизнинг онгимизда кечишини инобатга олсак, бу асарни ўқиган кишининг ички оламида кечаётган кураш эзгулик ғалабаси билан тугашига ишонаман.

Нигора УМАРОВА,
сиёсий фанлар номзоди

ЎзХДП ҳаёти

ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

фаол аъзоларни жипслаштирди

Сенга ишонганлар, ортингдан эргашадиганлар қанчалик кўп бўлса, танлаган йўлинг тўғрилигига шунчалик ишончинг комил бўлади, дейишади. Бу иборани сиёсий партиялар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафи фаол ва ташаббускор ёшлар ҳисобига янада кенгайиб бораяпти.

Яқинда Тошкент шаҳрининг чекка ҳудуди — Бектемир туманида сўл сиёсий партияни қўллаб-қувватловчилар янада кўпайди. Туман молия бўлимида фаолият юритадиган Ўзбекистон ХДП хайрихоҳлари ушбу сиёсий кучга аъзо бўлиб, ўз бошланғич ташкилотини тузишди.

— Ҳар бир инсоннинг ўз эътиқоди бўлади, — дейди Бектемир туман молия бўлими раҳбари Хондамир Асомиддинов. — Қайси сиёсий кучга аъзо бўлиш ҳар кимнинг ихтиёри. Буни онгли равишда ўзинг танлайсан. Бўлимимизда ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти ташкил этилгани, бир томондан, ана шундай эътиқодли ходимларни бирлаштирган бўлса, бунинг жамоамиз учун жуда аҳамиятли яна битта томони бор. Бу бошланғич ташкилотнинг жамоада сиёсий онг, сиёсий маданиятини ривожлантиришдаги ўрнидир.

Айтиш керакки, молия бўлими жуда масъулиятли идора. Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтилгани, 2007 йилдан бошлаб халқ таълими соҳасини молиялаштириш бўлими очилгани фаолиятимизнинг қамровини янада кенгайтирди. Туманимизда молиявий соҳадаги ютуқлар талайгина. Бектемир — иқтисодиёти барқарор, муттасил ривожланиб бораётган туман, деб айтиш мумкин. Буни тасдиқловчи рақам ва мисолларни келтирадиган бўлсак, кўп вақтни олади. Энди ушбу ютуқлар, муваффақиятлар ва уларнинг ортида қандай меҳнатлар ётганини аҳолига тушунтириб боришга катта эҳтиёж сезилаяпти. Бунда партия бошланғич ташкилоти ва унинг фаоллари иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

— Кўп марта ғувоҳи бўлганманки, давлат идораларида меҳнат қилаётган ходимлар асосан ўзларининг доимий ишлари билан банд бўлади, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси, ёш мутахассис Жаҳонгир Жўраев. — Аммо, аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш барчамизнинг бурчимиздир. Ана шундай масъулиятли ишни асосий фаолият билан уйғунлаштириб олиб боришда биз ўз қарашларимизни акс эттирадиган ва оддий одамларга кўпроқ яқин бўлган сиёсий куч имкониятларидан фойдаланиш, иккі томонлама ҳамкорликни кучайтиришни ният қилдик. ЎзХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари юзасидан маҳаллалар, керак бўлса, хонадонларгача кириб бориш масаласида келишиб олдик. Ўн бир нафар фаол партиядошимизни бирлаштирган бошланғич ташкилот, биринчи навбатда, молия бўлими ходимлари ўзларининг сиёсий қарашларини кенгайтиришда таъсирчан омил бўлмоқда. БПТ икки ойдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатаётган бўлса, шу даврнинг ўзида партия аъзоларининг ижтимоий фаоллиги сезиларли ортаётгани кузатилаяпти.

— Мен Ўзбекистон ХДПга анча аввал аъзо бўлганман, — дейди халқ таълимини молиялаштириш бўлими бош ҳисобчиси Раҳима Шомуродова. — Жамоадошларим билан суҳбатларда сиёсий партиялар ҳақида гап кетганда, ЎзХДП фаолияти, илгари сураётган ғоялари ҳақида гапириб берардим. Очиғини айтиш керак, кўпчилик партиямизга хайрихоҳлик билдирарди. Мана, ниҳоят, бу ерда сафдошларим кўпайди. Биз бирлашиб, ўзимизнинг бошланғич партия ташкилотимизни тузишга қарор қилдик. Ташкилот тузилиши билан ҳаётимизда, фаолиятимизда учрайдиган айрим масалаларни фаоллар билан бирга муҳокама этиб, партия орқали халқ депутатлари шаҳар Кенгашига, керак бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига олиб чиқишнинг яна бир ишончли тизими яратилди...

Бошланғич ташкилотнинг иш режаси билан танишар эканмиз, унда мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимиз, Ўзбекистон ХДП ғоялари, мафкурасини кенг тарғиб этиш, жамоада меҳнат қилаётган ёшлар, хотин-қизлар билан алоҳида-алоҳида иш олиб бориш, уларнинг ҳар жиҳатдан фаоллигини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш белгиланганининг гувоҳи бўлдик. Дастлабки ҳаракатлардан кўриш мумкинки, ушбу бошланғич ташкилот партиямизнинг мустаҳкам таянчларидан бирига айланади.

Беҳзод ШУКУРОВ.

Суратда: *бошланғич ташкилотнинг навбатдаги вазифалари муҳокама этилмоқда.*

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ЯНА 700 ТА ИШ ЎРНИ ОЧИЛАДИ

Тошкентдаги «LIBINVEST» қўшма корхонасининг Чустдаги «VIVATEKS» масъулияти чекланган жамиятида 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Жамоа чеварлари томонидан тикилаётган трикотаж маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан харидоргир.

Бичувчи Ҳуниддин Шоисматов, чеварлар Муқаддас Тўрахонова, Шаҳноза Файзиева, Феруза Иброҳимова, Мунира Маҳмудова ҳамда усталар Муҳаббат Шарипова, Шоҳида Искандароваларнинг ибратли меҳнати корхонада илғорлар сафини кенгайтирмоқда. Яқинда корхонада россиялик ҳамкорлар билан 2014 йилда Сочида ўтказиладиган Олимпиада иштирокчиларини кийим-кечак билан таъминлаш бўйича узоқ муддатли шартнома имзоланди. Айни вақтда, маҳсулотларига асосан россиялик ва украиналиклар харидор бўлаётган «VIVATEKS»да йигирмадан зиёд ишчи аёллар касаначилик асосида фаолият юритишмоқда.

Корхона таъсисчилари филиалга қўшимча инвестицияларни жалб этишга астойдил интилишмоқда. Чустлик чеварларнинг мақсади — янги цех очиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини 1,5 баробарга ошириш ва ишчи ўринларини яна 700 нафарга кенгайтиришдан иборат.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Таълим, тарбия ва амалиёт

ИЛМИЙ, ИЖОДИЙ МУҲИТ

ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғулари кучайишига хизмат қилмоқда

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик даври тарихга яратиш, янгиланиш, туб ислоҳотлар даври бўлиб кирмоқда. Ўтган ўн етти йил давомида ички ва ташқи сиёсат, халқаро алоқа ва муносабатлар, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, маориф, олий таълим соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгида шакллантириш, фаол илмий-ижодий муҳит яратиш ўқув даргоҳлари олдида турган муҳим вазифаларга айланди. Бу йўналишда Бухоро давлат университетида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Университетимизда 1989 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган аспирантурадаги йўналишлар сони 22 тага, 1998 йилда ташкил этилган докторантурадаги йўналишлар сони эса 4 тага етказилди. Ўнлаб иқтидорли ёшлар университет ҳузурида аспирантура таҳсилини ўтаб, номзодлик ва докторлик илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

БухДУ «Талабалар шаҳарчаси»да фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс маркази филиалида 60 ўринли ўқув зали ишга туширилди. «Ёшлар Академияси»да 421 нафар иқтидорли талаба илмий-амалий ишлар билан машғул. Улардан 50 нафарга яқини турли имтиёзли стипендиялар совриндорларидир.

Электрон таълим ресурслари ва «Ziyonet» тармоғидан фойдаланиш бўйича барча факультетлар ҳамда ректоратнинг 4 та бўлимида ўз узеллари яратилди. Шу жумладан, университет «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳам «Ziyonet» тармоғига уланиб, электрон тармоқ такомиллаштирилди.

Университетимизда шу йилнинг 10 мартида «Ёшларнинг чет тилларни ўрганиш истиқболлари» мавзуида республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Унда 100 га яқин иқтидорли талаба, ёш олим ва профессор-ўқитувчилар билан бирга, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этдилар. 14-15 март кунлари «Германистика ва романистиканинг Ўзбекистонда тараққиёти ҳамда келажаги» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияда мамлакатимизнинг олий ўқув юртларидан ташриф буюрган 100 дан ортиқ ёш олим, профессор-ўқитувчи ва иқтидорли талабалар шу соҳага доир тадқиқотлари асосида чиқишлар қилишди.

Фундаментал, амалий, инновация йўналишларидаги грантлар ҳамда хўжалик шартномалари асосида иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида техник ва технологик муаммоларни ҳал қилишда қатнашаётган иқтидорли талабаларимиз 365 нафарга етди. Йилнинг биринчи чорагида ёш олимларимиздан 5 нафари Бельгия, Франция, Финляндия ва Туркия давлатлари грантлари ғолиби бўлишди ва айни пайтда улар шу давлатларнинг нуфузли университетларида ўз илмий-тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар. Университет олимлари 4 та фундаментал, 1 та амалий, 1 та инновацион, 1 та ЎзФА ва 2 та чет эл грантлари устида иш олиб боришаяпти. Шунингдек, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ишлари савиясини ошириш, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг илмий инновациялар ва ишланмалар танловида фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда 2008 йил — Ёшлар йили деб номланганлиги муносабати билан университетимизда Ёшлар йилида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. У ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш бўйича таълим-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга йўналтирилган. Бу йўлда талабалар ўртасида тарбиявий ишларнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳамда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. «Қувноқлар ва зукколар», «Энг яхши нотиқлар», «Ғазалхон ёшлигим», «Мумтоз мусиқамиз наволари», «Сўз ва соз сеҳри» каби мавзуларда мушоиралар, бадиий кечалар ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Сўнгги пайтларда биз битирувчи-ёшларга эгаллаган билимлари ва ихтисосликларини ҳаётга татбиқ этишлари учун ишга жойлашишлари устидан мониторинг ва назорат ишларини кучайтирдик. Ота-онаси йўқ, отаси ёки онаси бўлмаган ёхуд кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногирон талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида алоҳида ташкилий ишлар йўлга қўйилганки, буларнинг ҳаммаси, ўқиш-ўқитиш ишларида кутилган самаралар бермоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда Ёшлар йили мазмун-моҳиятини аҳоли қатламлари, жумладан, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида тажрибали 25 нафар профессор-ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳи ташкил этганмиз. Ҳозирги кунда улар томонидан факультетлар ҳамда Бухоро вилояти ташкилотлари ва корхоналарида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, шу йилнинг февраль ойида Ғиждувон туманида ўтказилган «Маънавият ва маърифат ўқуви» мавзуси «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» деб номланди. Маънавият тарғиботчилари учун мазкур мавзуда илмий-услубий қўлланмалар ҳам тайёрлаганмиз.

Университетимиз қошида тил ўргатиш маркази ташкил этилган бўлиб, унда корейс, япон, араб, форс, итальян, француз тиллари бўйича турли муддатли махсус курслар ташкил этилган. Марказда айни пайтда 800 нафардан ортиқ талаба ўқишдан бўш вақтларида хорижий тилларни ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Шу билан бирга, ўқитувчилар, ходимлар ва таҳсил олаётган талабалар орасида ёш оилалар аниқланиб, улар рўйхати шаҳар ҳокимлигининг имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш комиссиясига тақдим этилди. Ушбу оилаларга Ипотека банкининг Бухоро шаҳар бўлими вакили ёрдамида имтиёзли кредит олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича йўриқномалар тайёрланди. Бугунги кунда улардан 6 та ёш оилага имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши тўғрисида ректорат тавсияномаси берилди. Шунингдек, университет Ҳарбий факультетининг бошқа манзилга кўчирилиши натижасида унинг эски бинолари жойлашган ҳудуддан 10 та ёш оилага шахсий уй-жой қуришлари учун иштиёзли ер участкалари ажратилиши бўйича шаҳар ҳокимлиги ҳамда архитектура бўлимидан рухсат олинди.

Жорий йилда университетимизнинг 9 нафар талабаси касаба уюшмалари кенгашлари стипендиялари совриндорлари бўлишди. Шундан 3 нафари Касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси, 3 нафари вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва яна 3 нафари вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан йил давомида мунтазам рағбатлантириб борилади. Жорий йил 7 нафар ота-онасиз талабага бепул даволанишлари учун вилоят Моҳи-Хосса санаторийсига 188 000 сўмлик, университет профилакториясига 350 000 сўмлик йўлланмалар ажратилди. Айни кунда имконияти чекланган ёшларнинг соғломлаштириш ва уларни бепул даволаш курсларида даволанишлари учун ҳам 2 860 000 сўм миқдорида маблағ сарфланди. Шу кунларда университет ҳузуридаги «Тадбиркорлик маркази»нинг мебель ишлаб чиқариш корхонаси орқали 12 та кам таъминланган ёш оилага уй жиҳозлари ажратиш масаласи ҳал этилди.

Қисқаси, университетимизда олиб борилаётган барча жабҳадаги ишлар қўлами миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгида чуқурроқ шакллантириб бориш ва фаол илмий-амалий ҳамда ижодий муҳит яратиш кенгликларини қамраб олмоқда.

Олтин ЁРИЕВ,
Бухоро давлат университети ректори, кимё фанлари доктори, профессор.

Ҳуқуқ ва бурч

ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

қонунларимизда белгилаб қўйилган

Н.Маматқулова Зомин шаҳарчасининг Собир Раҳимов маҳалласида истиқомат қилади. У уч нафар 16 ёшга тўлмаган болалари учун нафақа тайинлашларини сўраб, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилган эди. Аммо котиба М.Исоқова унинг аризасини оиланинг камида уч ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома илова этилмаганлиги учун қабул қилишдан бош тортади. Шунда фуқаро ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига шикоят ёзади.

Ушбу масала ўрганиб чиқилганда, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларининг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низом талаблари бузилганлиги маълум бўлди. Аслида фуқаро Н.Маматқулованинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризаси маҳалла фуқаролар йиғинида қабул қилиниши, рўйхатга олиниши ва кўриб чиқиш учун фуқаролар йиғини ҳузуридаги махсус комиссияга тақдим этилиши лозим эди. Ушбу комиссиянинг нафақа тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қароридан сўнггина фуқаронинг мурожаати кўриб чиқилган ҳисобланарди.

Шу тариқа бу ерда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилмаганлиги фуқаронинг ўринли шикоят билдиришига сабаб бўлган.

Юқоридагиларга асосан вилоят адлия бошқармаси қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритди.

Тақдимнома тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида ўрганиб чиқилди ва айбдорларга нисбатан тегишли тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига нисбатан бефарқ муносабатда бўлмаслик, уларни қабул қилиш, ўрганиш жараёнларида амалдаги қонун талабларига қатъий риоя қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Афсуски, бундай ўринли шикоят ва эътирозлар ягона эмас. Бу эса жойларда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида ҳали-ҳамон камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари содир бўлиб турганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор вазифа этиб белгиланди. Бу Ўзбекистон Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қонунларимизда ўз ифодасини топган. Шундай экан, ҳар қандай мансабдор, жавобгар шахс фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши зарурлиги, бу ишга ўзлари бевосита жавобгар эканликларини англашлари керак.

Шавкат ЯХШИЕВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Фарғона вилоятининг Бешариқ шаҳрида жойлашган юқумли касалликлар шифохонаси тумандаги 170 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Шифокорлар касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш маъқул, деган нақлга амал қилишади. Шу боис аҳоли орасида кенг профилактика ишлари олиб борилиб, тегишли маслаҳатлар берилмоқда. Шифохонада саккиз нафар олий маълумотли врач, 67 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётир.

Шу йилнинг мартидан май ойигача шифохонада ўтказилган карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича барча ходимлар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилди. Бу машғулотлар мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Айни пайтда ходимлар ўз малакаларини доимо ошириб бормоқдалар.

Суратларда: *шифокорларнинг иш фаолиятидан айрим лавҳалар.*

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

«САККИЗ»ЛИК САММИТИ ЯКУНЛАРИ

Жаҳон матбуоти «катта саккизлик»нинг Японияда бўлиб ўтган 34-йиғилиши якунлари ҳақида сўз юритар экан, бу галги саммит кутилган натижаларни бермаганини таъкидламоқда. Саммит иштирокчилари асосий эътиборни жаҳон иқтисоди муаммоларига қаратди, демоқда улар.

ЯНА НЕФТЬ МУАММОСИ

2008 йилнинг биринчи чорагида жаҳон иқтисодини ларзага келтирган энг катта муаммо — нефть нархининг муттасил ўсиши доллар курсининг пасайиши ва озиқ-овқат бозоридаги танглик бўлди. Шу боис «саккизлик» саммитининг уч куни давомида доллар масаласи кун тартибидан тушган эмас. «Саккизлик» етакчилари бу борада қандай чора кўришни билмагани учун Хитойни валюта курсини оширишга чақирди. Умуман, валюта қадри билан боғлиқ тортишув иштирокчиларнинг «бир битимга келиш» ҳақидаги таклифи билан якунланди. Лекин қандай усулда ва қандай тартибда иш олиб бориш масаласига ойдинлик киритилмади.

Нефть масаласи бўйича ҳам иштирокчилар жиддий хавотирда эканини билдирди. Бироқ, йил бошида бир баррели 100 доллар атрофида бўлган «қора олтин» нархи жуда тез суръатлар билан 140 долларга кўтарилгани, бунинг сабаблари ҳақида сукут сақланди. Оқибат бу масала ўз ечимини топмай қолди. Етакчилар соҳа самарадорлигини ошириш учун нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар инфратузилмани ривожлантириши, бунинг учун эса сармояга шарт-шароит яратиши лозимлигини таъкидлашди, холос.

ДАВЛАТЛАР СИЁСАТИГА МУНОСАБАТ

«Саккизлик» яна Эронни ядро дастурини тўхтатиш ва БМТ резолюциясини инобатга олишга чақирди. Ўз навбатида Эрон дастурни зўравонлик билан музлатишса, АҚШ ва Исроилга қарши чора кўришга тайёр эканини билдирди.

Жаҳон сиёсатидаги вазият муҳокамасида Зимбабведаги танглик, Африка қитъасига киритилаётган инсонпарварлик маблағлари борасида етакчилар бир тўхтамга келишди. Зимбабведа бўлиб ўтган президент сайловида ғолиб чиққан президент Роберт Мугабе «саккизлик» томонидан танқид қилиниб, мухолифат билан ҳамкорлик қилишга даъват этилди. Зимбабвега нисбатан санкция қўллашга қарши бўлган Россия билан Италия ҳам санкция таҳдиди масаласига қўшилишди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАҚЧИЛЛИГИ

Глобал миқёсда рўй бераётган озиқ-овқат тақчиллиги ҳам саммит кун тартибидан тушган эмас. Нимага десангиз, кейинги пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи икки баробар ошиб кетди. Бу эса дунёнинг кўпгина мамлакатларида норозилик ва ғалаёнларга сабаб бўлмоқда. Россия президенти Дмитрий Медведев озиқ-овқат танқислигига Ғарб давлатлари сабабчи эканини очиқ айтди. Биоёқилғи етиштириш учун энг ҳосилдор ерларнинг ишлатилиши истеъмол маҳсулотлари нархига салбий таъсир кўрсатди, деди у. Шунингдек, ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кундан-кун ортиши ҳам танқисликка олиб келмоқда. Медведев нефть муаммосини ечиш учун Лондонда махсус форум ўтказиш, озиқ-овқат тақчиллигини муҳокама қилиш ва оқилона ечим топиш учун «Буғдой» форумини ташкил этиш ғоясини илгари сурди.

Жаҳон иқтисодида юзага келган яна бир танглик — кредит масаласидир. Кредитлар ўз вақтида қайтарилмаётгани учун айрим халқаро ташкилотлар фаолияти жиддий хавф остида турибди. Германия канцлери Ангела Меркелнинг фикрича, айни шу муаммо нефть ва озиқ-овқат тақчиллигини бошлаб берган, хатарли томони шундаки, ҳали унинг охири кўринган эмас. Канцлер Халқаро валюта фондини жаҳон иқтисодидаги иқлимни мўътадиллаштиришга чақирди.

Саммитда фақат глобал исишнинг олдини олиш учун 2050 йилгача чиқинди газларни икки баробар камайтириш ҳақида келишувга келинди, бу — ягона ижобий натижадир.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда капитал таъмирланиши мўлжалланган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қарши шаҳридаги вилоят Қон қуйиш марказини капитал таъмирлаш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — ***148.019.000 сўм.*** Қурилишни тугаллаш муддати — ***90 кун.***

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«Абитуриент — 2008»

ЯНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалида илк бор абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмоқда

Мамлакатимизда маданий-маърифий соҳаларга, айниқса, санъатга бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда, натижада ёшларимиз орасида бу соҳага қизиқувчилар сони тобора кўпаймоқда. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 28 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мана шундай иқтидорли ёшлар учун яна бир имконият эшигини очди.

Қорақалпоғистон ёшлари бу қарорни севинч ва ҳаяжон билан қутиб олгани бежиз эмас. Боиси, республиканинг фақатгина шаҳарларида эмас, балки қишлоқ ва овулларида ҳам санъатга иштиёқманд ёшлар кўп. Бугун ана шу ёшлар ўқишга ҳужжат топшириш ниятида ҳеч иккиланмай янги санъат даргоҳи эшигини қоқишмоқда.

— Филиалнинг ўқув бинолари, ижодий устахоналар, аудиторияларда замонавий талаблар асосида шароит ҳозирланмоқда, — **дейди Ўзбекистон давлат санъат институтининг биринчи проректори Авазбек Маллабоев.** — Жумладан, мутахассислик йўналишлари бўйича аудиториялар жаҳон андозалари асосида жиҳозланди. Ўқув йили бошлангунга қадар ўқув залларини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган. Ўқув қўлланмалари, адабиётлар ва дастурлар қорақалпоқ тилига таржима қилинди. Бу йил бакалаврлар тайёрлаш бўйича актёрлик санъати таълим йўналишига 15 нафар, санъатшунослик таълим йўналиши бўйича эса 10 нафар талаба қабул қилинади.

— Филиалимизнинг қабул комиссияси Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети биносида жойлашган, — дейди **қабул комиссияси масъул котиби Байрам Ўтарбоев.** — Республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган абитуриентлар ўзлари хоҳлаган бўлимларга ҳужжат топширмоқда. Биз уларга бўлажак имтиҳонлар юзасидан керакли маслаҳатлар бермоқдамиз.

— Актёрлик санъати бўлимига ҳужжат топширдим, — **дейди Нукус шаҳридаги маданият коллежи битирувчиси Лиза Абдукаримова.** — Ёшлигимдан актриса бўлишни орзу қиламан. Онам мусиқа ўқитувчиси бўлгани учун болалигимдан санъатга муҳаббат қўйганман. Келажакда эл суйган санъаткор бўлсам, тарихий шахслар образини яратсам, дейман.

Санъат институтининг Нукус филиалига ҳужжат топшираётганлар кун сайин кўпаймоқда. Илм даргоҳи босқичма-босқич ривожланиб боради. Мусиқали ва қўғирчоқ театри актёрлари, шунингдек, санъатшунослик, эстрада, журналистика, телевидение, кино оператор ва режиссёрлиги мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Бугун бошлаган бу хайрли ишлар кўп ўтмай ўз натижасини кўрсатиши шубҳасиз. Бу йил биринчи қалдирғоч сифатида қалбида бир олам ҳаяжон билан ҳужжат топшираётган ёшларга эса парвозингиз баланд бўлсин, дегимиз келди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОРЗУ-УМИД ҚАНОТИДА

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари ёшлар билан гавжум. Келажакда етук мутахассис бўлишни мақсад қилган йигит-қизлар ўзлари истаган институт ва университетларга ҳужжат топширишмоқда. Бу жараён пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ҳам қизғин давом этмоқда.

— 2008-2009 ўқув йилида бакалавриат таълими бўйича 20 йўналишда жами 881 нафар талаба ўқишга қабул қилинади, — дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Комилжон Ярашев. — Уларнинг 311 нафари грант, қолган 570 нафари эса тўлов шартнома асосида таҳсил олиши кўзда тутилган. Институтимизнинг бошқа ўқув даргоҳларидан фарқли жиҳати, абитуриентлар давлат тест синовларидан олдин ўзлари танлаган спорт йўналишлари бўйича махсус танловдан ўтадилар. Бунгача эса абитуриентлар институтимиз қошида ташкил этилган махсус тиббий кўрикда малакали шифокорлар назоратидан ўтишлари лозим бўлади. Чунки келажакда ўз ҳаётларини спорт ва жисмоний тарбия билан чамбарчас боғлашга аҳд қилган йигит-қизлар аввало соғлом бўлишлари талаб этилади. Ҳозиргача қабул ҳайъатимизга 1200 га яқин абитуриент ҳужжат топширди. Бу ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан таққослаганда 110 тага кўп демакдир.

Маълумки, мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан жойларда спорт оммавийлигини ошириш мақсадида институтда қизлар спортини ривожлантириш йўналиши ташкил этилган. Бу йил ушбу йўналиш бўйича жами 221 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Ёшларга қулайлик яратиш учун мазкур йўналишда таҳсил олишни истаган қизлар ўртасида махсус танлов ҳамда давлат тест синовлари вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги олий ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган.

— Ўзим Собир Раҳимов туманидаги Хончорбоғ маҳалласиданман, — дейди абитуриент Латофат Исроилова. — Шу йил Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежини аъло баҳолар билан битирдим. Жисмоний тарбия ва спорт жону дилим. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида қизлар учун махсус таълим йўналиши фаолият кўрсатаётганлигини эшитиб, тўғри шу ерга келдим. Орзуим келажакда юртимиз ёшларининг соғлом ва бақувват бўлиб улғайишларига ҳисса қўшишдир.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *ЎзДЖТИ қабул комиссияси фаолиятидан лавҳа.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Баркамол авлод

ЎН КУНЛИК ДАМ — ИЛМГА ҲАМДАМ

Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» дам олиш масканида «Келажак овози — 2008» ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этилди

Одатда, Оқсув дарёси соҳилидаги «Шўртангазкимё» мажмуига қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришади. Бу йил эса Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси ҳамкорлигида ўн кунлик «Келажак овози — 2008» ёзги ўқув оромгоҳини ташкил этилди.

— Ҳозир 400 дан кўпроқ ёшлар ёзги ўқув оромгоҳига келишди, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг координатори Шерзод Сафаров. — Булар жамғарманинг ёшлар камолотига йўналтирилган лойиҳалари ғолиблари, олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, вилоятлардаги ташаббус марказлари фаолларидир. Аввало, бу жойда ёшлар ўн кун давомида ўзлари танлаган йўналиш бўйича машғулотларда қатнашадилар. Улар интеллектуал лойиҳалар клуби, оммавий ахборот воситаларида иштирок этиш, истеъдодли дизайнчилар, маданият ва санъат, ёш тадбиркорлар мактаби каби ўқув мавзуларига бўлинган ҳолда машғулот олиб борадилар. Йўналишлар бўйича таниқли олимлар, модельер, рассом ва санъаткорлар, иқтисодчилар машғулот ўтказишади.

Илк бор ташкил этилаётган бу тадбирнинг ўзига хос томонлари кўп. «Келажак овози» Фарғона вилоят ёшлар ташаббуслари маркази етакчиси Мафтуна Солиеванинг айтишича, икки йилдан буён кўплаб лойиҳаларни амалга оширишда ёшларга амалий ёрдам берилмоқда. «Ёш тадбиркорлар» йўналишида 32 нафар ёш иштирок этаётган экан. Улардан бири — Андижондаги «Сардор» масъулияти чекланган жамият раиси Сардор Нуриддинов ўзи ташкил қилган кичик корхонада қуруқ мева, ноз-неъматларни қадоқлаб савдога чиқараётган экан. Ўзи билан қадоқланган маҳсулотлардан намуналар олиб келибди.

— Шаҳрисабзга биринчи бор келишим, ниҳоятда сўлим жойлар экан, — дейди Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти магистри Нигора Бадалбоева. — 2006 йилда «Келажак овози» республика танловида «рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритгандим. Автомобиллар бензин насосларини тозалаш бўйича техник ғоям Асакадаги қўшма корхона томонидан маъқулланди. Ўзимизнинг автомобилларни жуда яхши кўраман. Икки йил аввал Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ёш тадбиркорлар ўртасида ўтказилган танловида ҳам яхши натижага эришганман. Ўн кун давом этадиган ўқув машғулотларида бу соҳада яна кўплаб янгиликлар олиш ниятидаман. Бундан ташқари, тенгдошларимнинг орзу-интилишлари, эришган муваффақиятлари билан ҳам танишаман.

— 750 ўринли оромгоҳимизда ҳозиргача 1 миллиондан ошиқ болалар дам олиб кетди, — дейди «Лочин» оромгоҳи бошлиғининг ўринбосари Истам Ҳасанов. — Бу сўлим масканимизда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар яратилган. Табиат музейимизда турфа қушлар сайраб турибди. Чўмилиш учун очиқ бассейн қурилган. Спорт майдонлари, лотин алифбосида битилган 3,5 минг китоб фондига эга кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида...

Ўқув машғулотлари баробарида спорт мусобақалари, либослар намойиши, «Қувноқлар ва зукколар» беллашувлари, маданият ва санъат вакиллари билан учрашувлар, концертлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Ҳар бир кун танланган битта йўналишга бағишланади. Хуллас, ёшлар оромгоҳдан мириқиб дам олиб, янги билим ва кўникма, орзу-умидлар билан қайтадилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Андижондаги «Сардор» МЧЖ бошлиғи Сардор Нуриддинов ва Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти магистри Нигора Бадалбоева.*

Мақсуд ҲАМРОЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан 2003 йил 24 сентябрда 354-сон билан рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти «КРИДИ» ногирон болаларни қайта тиклаш ва бирлаштириш клуби Собир Раҳимов туман бўлими (ИНН:204726242, ОКОНХ:98600, манзили: Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 мавзеси, «Ўқувчилар Ижодиёти Маркази» биноси)

ТУГАТИЛАДИ.

Оила — муқаддас даргоҳ

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ «ТОМОША»

(Баъзи мулоҳазалар билан мақола қаҳрамонлари исмлари ўзгартириб берилмоқда)

«Кўнгил иши масофа билмайди», — деган нақл тўғри экан. Бекназар етмиш чақиримча йўл босиб, Латофат билан учрашувга келар, икки ёш қўл ушлашганча ширин орзулар оғушида суҳбатлар қуришарди.

Ниҳоят, энтикиб кутилган дамлар етиб келди. Латофат оппоқ келинлик кўйлагини, Бекназар куёвлик сарпосини кийди. Арзимаган расмиятчиликларни демаганда ҳаммаси силлиқ кетаётганди. Никоҳ саройида уларнинг бир-бирларини чуқурроқ ўрганишлари учун бир ой муддат берилишини, бу орада улар тиббий кўрикдан ўтишлари кераклигини тушунтиришди. Баъзиларнинг энсаси қотди: «Тавба, никоҳдан ўтаётган ёшлар руҳий хасталиклар, теританосил касалликлари диспансерлари текширувидан ўтиши лозим эмиш. Одамнинг шахсига тегувчи бунақа бемаъни тартибни ким ўйлаб топдийкин?». Тўй санаси белгиланган, ҳар иккала тараф зўр бериб тайёргарликни бошлаб юборишган, шунинг учун ҳам таниш-билишларни ўртага солиб, юқоридаги расмиятчиликларни бартараф қилишди. Никоҳнинг ҳам чорасини топишди: ёшлар муддат келгунга қадар шаърий никоҳдан ўтиб туришга келишиб олишди.

Қудалар ошиб-тошиб яшамаётган бўлишса-да, элдан қолмаслик учун барча расм-русумларни жойига келтириб тўй қилишди. Келин-куёвлар, куёв ўртоқлар, келин дугоналар минган, байрамона безатилган 6 та «Нексия» ва бошқа машиналар карвони қулоқларни қоматга келтириб сигнал босганча шаҳар кўчаларини айланар, ортларидан кимдир ҳавас билан, кимдир ортиқча шовқиндан норози қиёфада қараб қолар, ёнма-ён масрур кетаётган Бекназар билан Латофат эса шу топда ҳеч кимга, ҳеч нимага эътибор беришмас, уларнинг бутун фикру хаёлини гўё қўл чўзса етадиган масофада турган муҳташам, сирли БАХТ қасри эгаллаган эди...

Базм оқшоми ҳам рисоладагидай ўтди. Аммо, орадан бир ҳафта ўтгач, улар барпо этган ўша муҳташам қаср муздан қурилганлиги маълум бўлди ва турмушнинг биринчи зарбасиданоқ эриб кетиб, ундан асар ҳам қолмади. Куни кеча ҳамоҳанг тепаётгандек кўринган ошуфта юраклар, бир-бирларига тўймай боқаётган хумор кўзларни эндиликда қаҳр-ғазаб эгаллаган эди.

Хўш, уларга нима бўлди? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тўй олдидан айримлар писанд қилмай «беъмани тартиб», «арзимаган расмиятчилик» деб атаган ғоят муҳим шартнинг бажарилмаганлиги бунга сабаб бўлди.

«...Бекназар Турдиев билан бир ҳафта яшадим. Янги жой, нотаниш муҳит туфайлими, соғлиғим ёмонлашиб, Гулистон шаҳридаги касалхонага тушиб қолдим. Икки ой давомида даволанган бўлсам, турмуш ўртоғим бор-йўғи икки марта келиб ҳолимдан хабар олди. Иккинчи келишида мен билан яшамасликка қарор қилганлигини айтиб, уйга қайтиб бормаслигимни тайинлади. Мен касалхонадан чиқиб, Сардобага, ота-онамникига кетишга мажбур бўлдим».

(Латофатнинг Гулистон туманлараро фуқаролик судига ёзган даъво аризасидан).

«...Биз бор-йўғи икки кун эр-хотинга ўхшаб яшадик, холос. Биринчи куни, ҳали вечер тугамай Латофатнинг ранги ўчиб, соғлиғи ўзгара бошлагани сезилди. Унинг оёқ-қўли қалтираб, ўзини ёмон ҳис қилаётганини кўрган янгаси тўйни тезроқ тугатишни ва келин-куёвга жавоб беришни илтимос қилди. Эртаси куни кечқурун келиннинг олдига кирганимда унинг чўзилиб ётганини, ҳар хил сўзлар айтиб валдираётганини кўриб қолдим. Шундан кейин уйидагилар иримсиримларни қилишди. Фойда бермади ва мен Латофат билан ортиқ яшай олмаслигимни ҳис қилдим».

(Бекназарнинг судда берган кўрсатмасидан).

«..Мен жияним бўлмиш Латофатни жуда ёшлигидан биламан ва унинг бирон марта соғлиғидан шикоят қилганини эшитганим йўқ. Орадан бир неча кун ўтгач, жиянимнинг саломатлиги ёмонлашгани ва касалхонага тушганини эшитиб қолдим».

(Латофатнинг аммаси Н.Саматованинг кўрсатмасидан).

«Ўғлимга келин фотиҳа қилишга ҳам, ундан олдин «нон синдириш»га ҳам шахсан ўзим борганман. Қуда тараф қизларининг руҳий касаллиги ҳақида бирон сўз деганлари йўқ, атайин яширишди».

(Куёвнинг онаси Қ.Мирзаеванинг кўрсатмасидан).

Ушбу ва судда гувоҳлик берган бошқа фуқароларнинг кўрсатмаларидан келинкуёвнинг қариндош-уруғларидан ҳар бири ўз тарафига ён босаётганлигини пайқаш қийин эмас. Жаҳл келганда ақл қочар деганларидек, тарафдорлар судда мол-мулк жанжалини бошлашди. Асаблар таранглашган пайтда оғиздан аччиқ гаплар ҳам чиқиб кетади. Бундай пайтда афсусланишдан ва тегишли мол-мулкни қонун доирасида эгаларига қайтаришдан бошқа чора қолмайди, албатта.

Эндигина барпо бўлган оила, бир дунё орзулар билан қурилган турмуш шу тарзда барбод бўлди. Хўш, бундай ҳолнинг олдини олиш мумкинмиди? Албатта, мумкин эди!

Аввало, шуни унутмаслик керакки, оила — муқаддас, унинг масъулияти катта. Шошма-шошарлик, енгилтаклик яхшиликка олиб келмайди. Никоҳ қонунчилиги борасида белгиланган барча тартиб-қоидалар эса халқимиз менталитетини, хусусан, келгусида содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадларини кўзда тутган. Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий кўрикдан ўтишлари (бепул) мажбурий эканлиги қонун билан тасдиқланган.

Афсуски, Бекназар билан Латофатнинг кўзлари кеч очилди. Бу ўринда уларнинг ота-оналари айби ҳам оз эмас. Ёшлар билиб-билмай хатога йўл қўйишлари мумкин. Кўпни кўрган ота-она-чи?..

Оила қасрининг муқаддас дарвозасини тақиллатиб турган бошқа ёшлар бундай бахтсизликдан ўзларини асрашларини истардик.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жиноят жазосиз қолмайди

ЎҒРИЛАР

қонун олдида жавоб берди

Содиқжон «иш бор» деб ҳамтовоқларини тўплади.

— Дилором, сенинг вазифанг цех калитини бизга чўзиб, ҳеч нарса билмагандек жимгина атрофни кузатиб туриш.

— Сен, Мансур мен билан бирга бўласан, «омад» юришса, унча-мунчалик бўлиб қоламиз.

Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек беш марта судланган Содиқжон Қодиров яна ўғриликка қўл урди. Унга аввал икки бор суд қора курсисида ўтирган Мансур Асқаров шерикчилик қилди. Икковлон шу йилнинг 15 февраль куни Янгийўл тумани, А.Ортиқов ҚФЙ ҳудудида жойлашган Насиба Холмуродовага тегишли тикув цехини «мўлжал»га олишди. Цех биносининг дарвоза калитларини қоровул Дилором Абдуллаева сақларди.

Иш хамирдан қил суғургандек осон кечди. Дилором калитларни Содиқжонга тутқазиб, ўзи атрофни кузатиб турди. Содиқжон билан Мансур бино хоналаридаги пол тахталарини кўчиришди. Тўққиз дона тўрт метрли тахтани гумдон қилишди. Орадан тўрт кун ўтиб, яна тўртта тўрт метр, учта икки метрли тахта олиб чиқиб кетилди. Қарашса, ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти. Орадан икки кун ўтгач, ўғрилар яна цехга киришди. Бу сафар саккиз дона узунлиги икки метрли тахтани машинага ортиб кетишди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек уларнинг бу «иши»дан хабар топган Янгийўл туман ички ишлар бўлими ходимлари ўғриларни қўлга олиб, ишни судга оширишди. Маълум бўлишича, тил бириктирган жиноятчилар цехга 250 минг сўмлик моддий зарар етказишган экан. Ўғриликни ўзларига касб қилиб олган Боёвут туманида туғилган 38 ёшли Содиқжон Қодиров, янгийўллик 29 ёшли Мансур Асқаров ва 34 баҳорни кўрган Дилором Абдуллаевага суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Анвар ЗИЯЕВ,
жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг судьяси

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти божхона бошқармаси ёрдамчи маъмурий биноси ва Жиззах вилояти «Гагарин» божхона постига хизмат зарурияти туфайли мебеллар харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.
Таклифлар 15 кун давомида қабул қилинади.
Манзил: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3.
Тел: 120-76-00, ички 26-11.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda